ЭРТАГА—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 91 (3592)
ЖУМА
21 АПРЕЛЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун курашингиз! Энг юксак меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатига қунт билан эришингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ҲАММА ШАЙ

КИРОВ районидаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг барча ишлаб чиқариш участкалари эртага бўладиган меҳнат байрамига шай қилиб қўйилди. Корхона директори Г. Б. Адалев бошлиқ 21 кишилик штаб ўзининг сўнгги тайёргарлик йиғилишини ўтказди. Унда эртага бажариладиган ишлар ҳажми, ободонлаштириш ишлари кўлами аниқ белгилаб олинди.

Кун бўйи бирлашманинг бешта тикув, экспериментал, тайёрлов ва бичувчилик цехларида ҳаммаси бўлиб 210 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Меҳнат ҳақидан тушган маблағнинг 4500 сўми ўнинчи беш йиллик фондига топширилади. Бирлашма инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу куни иш жойларини ораста қилиш, территорияни тозалаш, дов-дарахтлар ва гул кўчатларини парваришлаш, қўшимча дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш билан шуғулланадилар. Бунинг учун ҳамма нарса муҳайё этилган.

...ПЛАНГА ҚЎШИМЧА ЮКЛАР

●

МАЖБУРИЯТ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Тошкент марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 103-автомобиль корхонаси меҳнаткашлари эртага катта ҳажмдаги ишларни бажаришади: 150 машинада 95 минг тонна-километр юк обороти билан 4 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташиб берилади. Коллектив ўз имкониятларини синчиклаб ҳисоблаб чиқиб, 10 та машинани қўшимча сафарга чиқариш, 500 тонна юкни пландан ташқари ташиб беришга аҳд қилди. Тажрибали ҳайдовчи-коммунистлар Т. Раҳимов, Ш. Мирвоҳидов, И. Гребенников, ва С. Зайнутдиновлар ана шундай ташаббус билан чиқдилар. Бу илғорлар В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллигини юксак унумдорлик билан нишонлашга, смена топшириқларини камида 120 процент бажаришга аҳд қилдилар.

Корхона автомобилчиларининг маршрутлари ранг-баранг. Металл қуймалари, деталлар, тўқимачилик дастгоҳлари ва ускуналар, тайёр маҳсулотлар, қурилиш материаллари, пахта тойлари Фрунзе районининг тўқимачилик ва абразив комбинатларига, «Таштекстильмаш» ва «Ташхимсельмаш» заводларига, 1-пойафзал фабрикасига ва бошқа корхоналарга етказиб берилади. Юкларнинг бир қисмини — 350 тоннасини ҳайдовчилар тежалган ёнилғи ҳисобига ташиб берадилар. 1300 сўм ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

ҲАММА—МЕҲНАТ БАЙРАМИГА!

• *Хом ашё, материал ва электр энергияни тежаш фондларига*

• *Энг юксак унумдорлик, аъло сифат— шанбаликнинг шиори*

◆ *Ташаббускорлар ҳузурида*

ЗАВОД ГУДОГИ БЎЙИЧА

1917 йилнинг октябрида Тошкентда қуролли қўзғолон бошланганлиги ҳақида хабар берган бу катта металл гудок ҳозир заводимиз музейининг ноёб экспонати ҳисобланади. Лекин ҳар йили, жаҳон пролетариатининг доҳийси туғилган кунда гудок яна сигнал бериб, корхона ишчиларини меҳнат зафарлари сари ундайди.

1919 йилнинг 11 октябрида қизил шарқчи ишчилар биринчи шанбаликка чиқишди. Бу Ўрта Осиёдаги дастлабки, ихтиёрий равишда юзага келган, оммавий меҳнат байрами эди. Тошкентликлар темир йўлчиларнинг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлашди, мана бугунги кунда буюк починнинг миллионлаб издошлари, шонли анъананинг давомчилари бор.

Шаҳарда биринчи бўлиб «Қизил шанбалик» эстафетасини қабул қилиш корхонамиз коллективи учун яхши анъана бўлиб қолган. Шу куни ҳар доим зарбдор меҳнат қиламиз, чунки В. И. Лениннинг ўзи ҳам «коммунистик шанбаликларнинг бундан кейинги ривожи мактаб бўлиши лозим», деган эди.

Бу Бутуниттифоқ мактабида бизнинг авлодимиз алоҳида ўрин эгаллайди. 30-йилларнинг бошида биз завод гудоги билан дастлабки коммунистик шанбаликка чиққанлик. Ҳар бир «қизил шанбалик» меҳнатга коммунистик муносабатда, юксак интизомда, энг юксак ишлаб чиқариш ютуқларини қўлга киритишда ифодаланарди.

Биз учун шу нарса қувончлики, буюк починнинг ворислари ва давомчилари бўлган 70-йилларнинг ёшлари, биз худди ўз вақтимизда қилганимиздек, меҳнат байрамига улкан ташаббус ва ғайрат билан чиқишади.

Корхонамиздаги барча участкаларда, бригадаларда ва цехларда В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Меҳнат коллективларида ташаббус ва ижодий активлик кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилди, ҳар бир ишчи ва мутахассис учун конкрет топшириқ белгиланди, шанбаликнинг барча қатнашчилари зарур буюмлар ва асбоблар билан таъминланди.

Буларнинг ҳаммаси коллективимизга 22 апрелда юксак меҳнат унумдорлигига эришишга ва аъло сифатли меҳнат қилишга имкон беради.

Биз 65 минг сўмлик ёки ўтган йилдаги шанбаликдагидан 5 минг сўмлик кўп маҳсулот беришимиз керак. Тепловознинг битта секцияси, 20 тонна қуйма, олти жуфт тепловоз ғилдираги тайёрланади. Топилган ҳамма иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Коммунистик шанбаликни ўтказишга ҳозир қарилик гаштини сураётган меҳнат ветеранлари ҳам муносиб ҳисса қўшишади. Анъанага биноан улар ўз иш жойларида меҳнат қилишади, жонажон заводлари территориясини ободонлаштиришади.

Шундай қилиб, эртага — коммунистик шанбалик! Завод гудоги 59 марта яна тонг сукунатини бузади. Тошкентлик қизил шарқчилар жўшқин меҳнат қучоғига боришади. Меҳнат байрамингиз билан табриклаймиз қадрли ўртоқлар! Сизларга янги зафарлар тилаймиз!

А. ҚОДИРОВ, токарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; Р. ИГОЛЬКОВ, 1919 йилдан КПСС аъзоси; В. ПОЛЯКОВ, слесарь, Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводининг меҳнат ветеранлари.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ТЕЖАЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИГА

«Главташкентстрой» қурувчилари коммунистик шанбаликларда фаол иштирок этишади. Бу йил ҳам бошқарманинг барча бўлинмалари коммунистик шанбаликда зарбдорларча меҳнат қилади. Бунинг учун катта тайёргарлик ишлари кўрилди, катта ҳажмда қурилиш материаллари тежаб қўйилган.

Масалан, 2-йирик панелли уйсозлик комбинатининг 2-заводи коллективи 1-кварталда тежаб қолинган цемент ва пўлат арматуралардан 100 куб метр йиғма темир-бетон тайёрлайди. Саноат корхоналари бошқармасининг биринчи ғовчни қайта ишлаш заводи ва 1-темир-бетон буюмлари заводи, «Жилстрой» трестининг 3-йирик панелли уйсозлик заводи тежалган электр ва иссиқлик энергияси ҳисобига ишлайди.

Коммунистик шанбаликда бошқарманинг 34.370 ходими иштирок этади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 785 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, саноат корхоналарининг ишчилари 229 минг сўмлик қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар.

Автотранспорт корхоналари 51 тонна қурилиш материаллари ва чиқиндиларни ташиб беришни мўлжаллашмоқда. 300 автомобиль тежалган 12 тонна бензин ҳисобига ишлайди. Улар қурилиш майдонларига 7.5 минг тонна турли қурилиш юкларини ташиб беришади.

Бошқарманинг барча трестлари, корхоналарида коммунистик шанбаликни ўтказиш бўйича штаблар ишлаб турибди. Эртага улар шаҳримизнинг муҳим қурилишларида бунёдкорлик ишлари қандай бораётганлиги устидан назорат олиб борадилар.

«Главташкентстрой» ишчи-хизматчилари беш йиллик фондига 106 минг сўм ўтказадилар.

ЁШЛАР ҲИССАСИ

Ярим йилдан буён энергопоезднинг тажриба-ремонт участкасида маҳсулотлар, материаллар, электроэнергияни тежалишини назорат қилиб борувчи комсомол-ёшлар группаси ишлаб турибди. Шу муддат давомида группа 15 дан зиёд рейд ўтказди, ҳар ҳафтада жанговар варақа чиқариб турди. Бу жанговар варақаларда тежамкорликда намуна кўрсатаётган ишчиларнинг тажрибалари умумлаштирилди, хом-ашё материалларига хўжасизларча муносабатда бўлаётган ишлар танқид қилинди.

Комсомоллардан А. Запарин ва С. Сутягинлар бошқариш ва объектларни автоматик усулда ўчириш системасининг лойиҳасини ишлаб чиқди. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда комсомол-ёшлар группаси ўтган давр мобайнида уч процент электр энергиясини, икки тоннадан зиёд металлни тежаб қолишга муваффақ бўлди.

АКТИВ ИШТИРОК ЭТИШАДИ

Ленин районининг меҳнатчилари «Буюк почин» анъанасига содиқ қолиб, В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллиги шарафига ўтказилаётган коммунистик шанбаликда актив иштирок этиб, меҳнатда намуна кўрсатадилар. Бу фикримизни Ленин район партия комитети қошида тузилган шанбалик штабига корхоналардан, ташкилотлар ва қурилиш объектларидан келаётган маълумотлар тасдиқлаб турибди.

Коммунистик меҳнат байрамида районнинг 102 минг аҳолиси қатнашади. Шу жумладан, саноат корхоналарида 18 мингдан ортиқ, қурилиш объектларида 5 мингга яқин киши меҳнат қилади. 22 апрель куни 1100 минг сўмликдан зиёд саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Бу эса одатдаги иш кунидагидан бир мунча кўп демакдир. Район меҳнатчилари тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига 145 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган. Беш йиллик фондига эса 105 минг сўмлик иш ҳақи ўтказилади.

Район кўчаларини янги дов-дарахтлар безайди. Кўча чеккаларига 22 минг тупдан зиёд дарахт ва бута кўчатлари ўтқазилади. 45 минг погон метр ариқ тозаланади.

Штабда шанбалик куни меҳнат байрами қатнашчиларини иссиқ овқат ва транспорт билан таъминлаш масаласи ҳал қилинди. 22 апрель куни район кўчаларида миллий музика чолғу ансамбллари ва чолғу оркестрлари ўз программалари билан чиқишади.

ЮҚОРИ УНУМДА

«Главташкентстрой»га қарашли 4-қурилиш тресты коллективи москваликлар ташаббусига қўшилиб, доҳиймиз В. И. Лениннинг туғилган куннинг 108 йиллиги шарафига ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Меҳнат байрами куни трест бинокорлари пойтахтимизнинг турли объектларида бош пудрат бўйича 21 минг 498 сўмлик, ўз кучлари билан эса 7 минг 489 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишади. Трест ва бошқармаларнинг атрофларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади. Объектларда материаллар саранжом-саришта қилиниб, чиқиндилардан тозаланади, бир неча тонна металл тўпланади. Иш ҳақининг 1500 сўми ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

ЮКСАК САМАРАДОРЛИК

5-таксомотор паркида М. Шангараев бошчилик қилаётган ҳайдовчилар бригадаси аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда муносиб натижаларга эришмоқда. Коллектив йил бошида бу йилги топшириқни 7 октябрда бажариш юзасидан мажбурият олган эди.

Социалистик мусобақага жўшқинлик, ижодий ёндошиш бахш этган бу коллектив уч йиллик топшириқни 10 апрелдаёқ бажарди. Ўтган вақт ичида 3 минг сўмлик эҳтиёт қисм, 30 та шина, 25 минг литр бензин тежаб қолинди.

Бригада 22 апрель куни 10 минг сўмлик даромад келтиришга аҳд қилган. Илғор коллектив коммунистик шанбаликда юксак самарадорлик билан ишлаб, тежалган ёқилғи ҳисобига йўловчи ташийди, топшириқни 150 процент бажаради.

Қалб даъвати билан

ДАСТГОҲЛАРДА ИШЛАЙМИЗ

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 32-цехи коллективи коммунистик шанбаликка яхши тайёргарлик кўрди: ҳар бир ишчи меҳнат байрамида нималар билан шуғулланишини яхши билади.

Цех мутахассислари— инженерлар, технологлар, техниклар, мастерлар ҳам ўз иш жойларини аниқлаб қўйишди. Уларнинг аксарияти илгари дастгоҳларда ишлашган, малакали ишчилардир. Шунинг учун ҳам эртага улар дастгоҳлар ёнидан жой олишади. Инженер, цех бошлиғининг ўринбосари М. Борисов, катта мастер Н. Храмов, мастер А. Тимофеев слесарлик қилишади, мастер М. Борик токарлик станоги ёнидан жой олади.

Мен ҳам эрталаб шу ерга келаман. Пропагандист сифатида мен цехда сиёсий машғулотларни олиб бораман. Менинг иш жойим худди шу ерда деб ҳисоблайман. Чунки илгари токарь бўлиб ишлаганман. Ўз қўлинг билан ясалган ҳали иссиқ деталларни ҳис этишни истайман.

Нима иш қилишим ҳам маълум. Самолётларнинг бошқариш мосламалари учун ишлатиладиган вилкалардан камида 60 тасини ясайман. Бу деталлар ниҳоятда мураккаб бўлиб, завод Сифат белгисига аттестация қилинган. Шундай экан деталларни ниҳоятда аниқ ясаш лозим. Иш технологияси билан олдиндан танишиб олдим, ишловнинг ниҳоятда силлиқ чиқиши учун нималарга эътибор беришни биламан.

Ишчиларнинг ўзлари ҳам фидокорона меҳнат қилишга аҳд қилишган. Токарлардан Н. Тарасов, П. Борик, фрезерчилардан М. Хабибулин, Б. Милешкин, слесарлардан В. Поляков, А. Иванов, чарҳловчи В. Яковлев ва бошқалар шу куни юксак унум билан меҳнат қилишга, барча ишларни фақат аъло сифат билан бажаришга қарор қилишган.

А. АНИСИМОВ,
В. П. Чкалов номидаги авиа-бирлашманинг инженер-социологи.

АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

«Главташкентстрой»нинг уй-жой қуриш трестига қарашли 3-йирик панелли уйсозлик заводи «қизил шанбалик»да аниқ режа бўйича меҳнат қилади.

Меҳнат байрами куни 400 ишчи ўз иш жойларида ишлашади. Горизонталь плиталар цехи коллективи фақат тежалган хом ашё ҳисобига ишлаб, 120 куб метр маҳсулот тайёрлайди.

Завод коллективи шу куни 375 куб метр йирик панеллар, 22.5 тонна арматура ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқаради.

Т. НАЖМИЙ.

Тошкент самолётсозлари меҳнат байрамига яхши тайёргарлик кўришди. Цехларда тежалган хом ашё, материал, энергия фондлари ташкил этилган. Кўпгина ишчилар ва бригадалар энг юксак унумдорлик учун мусобақага қўшилишмоқда.

СУРАТДА: Николай Глухов (чапда) ва Анатолий Клеймёнов 22 апрель— коммунистик шанбалик куни ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишга аҳд қилишган. Шу куни улар фақат аъло сифатли маҳсулот топширишади.

А. Иванова фотоси.

ФАОЛ ҚАТНАШИБ

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли кўн-галантерея фабрикаси ишчи ва хизматчилари коммунистик шанбаликда фаол қатнашиш руҳи билан меҳнат қилмоқдалар. Фабрикада меҳнат унумдорлиги ошиб бормоқда. Коллектив 1-квартал планини ошириб бажариб, пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Москваликлар ташаббусига қўшилган меҳнат аҳли 22 апрель куни ўз иш жойларини эгаллашга қарор қилдилар. Иш планига мувофиқ шу куни 190 ишчи 15 минг сўмлик кўн-галантерея маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бу ўтган йилдагидан 3 минг сўмлик кўпдир. Маҳсулотнинг 5 минг сўмлиги эса тежалган хом ашё асосида тайёрланади. Беш йиллик фондига икки минг сўм пул ўтказилади. Коллектив ободонлаштириш икки ойлигида фаол қатнашиб уч марта шанбалик ўтказди.

А. ЖЎРАЕВ.

МЕҲНАТ БАЙРАМИ ФОНДИГА

Тошкентдаги 1-темир-бетон буюмлари заводининг меҳнаткашлари йил бошидан буён 200 тоннадан ортиқ цемент тежаб қолдилар. Корхона коллективи тежаб қолинган материалдан «қизил шанбалик» кунида 750 кубометр йиғма темир-бетон чиқаришни мўлжаллаб қўйди. Корхона меҳнат байрами фондига жами 27 минг сўмлик маҳсулот — арматура, товар бетон, қурилиш деталлари ишлаб чиқариш билан ҳисса қўшади. А. Ф. Фазлеев бошлиқ формовкачилар ва П. Г. Петриченко бошлиқ арматурачилар бригадалари план топшириқларини 15—20 процент ошириб бажаришга аҳд қилдилар.

МАХСУС БЕЛГИ БИЛАН

Чарм-галантерея фабрикасининг ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари «қизил шанбалик» куни тежалган хом ашё ҳисобига ишлашга аҳд қилди. Бу бежиз эмас, албатта.

БУГУН

корхона аҳлининг йил бошидан буён тежаган материал ресурслари 17 минг сўмликдан ошиб кетди.

Чарм - галантерсячилар шу куни тежалган хом ашё, электр қуввати ва бошқа материаллар ҳисобига 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Маҳсулотнинг кўпгина қисми Давлат Сифат белгиси билан тайёрланади. Аҳил коллектив зарбдор меҳнат йилининг дастлабки меҳнат байрамида тайёрлаган барча буюмларига «шанбалик кунида ишлаб чиқарилган» деган белги қўяди.

Фабриканинг 700 нафар ишчиси меҳнат байрамига бир тан, бир жон бўлиб чиқишга аҳд қилган.

Шаҳар Советининг депутати Манзура Қодирова, Фарида Ўтанова, Маша Исҳоқова, Раъно Набиева каби илғор ишчилар шу куни кунлик нормаларини 150 процент адо этишга аҳд қилишган.

М. АБДУЛЛАЕВА.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ Гайана Кооператив Республикасининг Бош министри Форбс Бернхэм Ўзбекистон билан танишишни давом эттирмоқда.

Ф. Бернхэм 20 апрель куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев ҳузурида бўлди. Дўстона суҳбат чоғида меҳмон республика меҳнаткашларининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасида эришган муваффақиятлари билан таништирилди.

★ АҚШ Давлат секретари Сайрус Р. Вэнс СССРни ҳам, АҚШни ҳам қизиқтирувчи бир қанча масалаларни, шу жумладан стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги шартномани тайёрлашга доир масалани муҳокама қилиш учун 19 апрелда Москвага келди.

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

✦ СССР ВА ТУНИС ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

✦ ДЎСТЛИК ҲАФТАЛИКЛАРИ

✦ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ

ТУНИС, 20 апрель. (ТАСС). Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов бошчилигидаги совет делегациясининг визити бу ерда ниҳоясига етди. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Тунисда бўлган вақтда уларни бош министр Хеди Нуира, ташқи ишлар министри Дхави Ханнаблиа, Социалистик дустур партиясининг директори Муҳаммад Сайёҳ, Тунис шаҳар муниципал кенгашининг раиси Салоҳ Авиж қабул қилдилар. Ҳар иккала шаҳарнинг бошлиқлари Тошкент билан Тунис ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шартномани имзоладилар.

Жумладан, шаҳарни бошқариш ва маъмурий ишлар соҳасидаги тажрибаларни мунтазам айирбошлаш, ҳар икки шаҳарнинг турли корхоналари ва техника хизмати ўртасида алоқа боғлаш кўзда тутилади.

Ўзбекистон ва Тунис Республикасининг пойтахтларида ҳар икки йилда бир марта Тунис ва Тошкент «ҳафталиклари» ўтказилади. Ахборот ва нашрларни, артистлар ва спортчилар группаларини кенг айирбошлаш, рассомлик ва скульптура виставкаларини ташкил этиш, санъат, археология ва тарих тўғрисида, ҳар иккала шаҳарнинг социал ва маданий ривожланиши тўғрисида лекциялар ўқиш белгиланди.

С. Авиж шартномаларни имзолаш маросимида сўзга чиқиб, Тунис билан Тошкент ўртасида алоқа боғланиши ва унинг ривожлантирилиши Тунис Республикаси ҳамда Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар тарафлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидлади.

Файзулла Алимов 14 ёшидан бери Тошкент Советининг 50 йиллиги номли вагон-ремонти заводида тер тўкиб келади. Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ ҳамда «Ҳурмат Белгиси» орденларининг кавалери бўлган бу моҳир фрезерчи трамвай ва троллейбусларни ремонт қилишда, уларга керакли деталларни тайёрлаб беришда жонбозлик кўрсатмоқда.

СУРАТДА: Ф. Алимов тайёрланган деталнинг ҳажмини кўздан кечиряпти.

И. Хонкелдиев фотоси.

• Бинокор ҳамкасби ҳақида

ЖИЛОКОРЛАР САФИДАМАН

БОШҚАРМАМИЗДА Георгий Дмитриевич Ивангелни танимайдиган киши йўқ. Йиғилишларда доимо унга хона тўридан жой кўрсатишади, номи ҳамиша илғорлар сафида тилга олинади. «Жанговар варақа» эса пардозловчиларни тез-тез ана шу пешқадам бўёқчи ва унинг ҳамкасбларидан ўрнак олишга, унга тенглашишга даъват этиб туради. Уни кўпдан буён биламан. Ҳар сафар кўрганимда ҳавасим келади унга. Георгий Дмитриевич қарийб чорак асрдан буён қурувчи.

Катта меҳнат тажрибасига эга бўлган Г. Ивангель ҳозир бўёқчилар сардори! Доимо юксак сифат ва самарадорлик учун курашадиган пешқадам коллектив бошқармада биринчилар қаторида «Коммунистик меҳнат бригадаси» унвонига сазовор бўлган.

Бригадада 18 киши ишлайди. Турли миллат вакилларидан иборат бўлган интернационал коллективда «Устоз кўрсаткичи шогирд марраси» ҳаракати кенг қулоч ёйган. Шу туфайли бригадада мураббий ва шогирд ҳамкорлиги доимо метиндек мустаҳкам. Бу эса меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомларининг яхшиланишида, кадрлар қўнимсизлигига барҳам беришда етакчи куч бўляпти.

О. Мухина, О. Геоцель, Л. Горбатова... Булар бригада машъалларидир. Уларга қурилиш ташкилотида «Меҳнат дафтарчаси» очилганига 5—10 йил бўляпти. Зарбдор жилокорлар фақат ўзларигина илғор эмас, балки ҳамкасбларини ва ёшларни ҳам пешқадамликка даъват этишади, тезу соз ишлаш сирларини ўргатишади. Шунинг учун ҳам ветеран қурувчиларнинг илғор иш методлари кўплар учун тажриба мактабига айланган. Опа-сингил Елена ва Лидия Ивановалар ҳамда Геннадий Трошчинлар ҳам ана шу мактабларда таҳсил кўриб, маҳоратларини оширганлардан. Кунлик топшириқни 110—115 процентдан бажаришга эришаётган бу ёшлар «ишчи-педагог» деган фахрли номни улуғлаб келаётган мураббийлари шаънига доимо илиқ сўзлар айтишади. Бу эса улардан умрбод миннатдор эканликларининг рамзидир. Куни кеча бошқармамиз ишчилари Георгий Дмитриевич Ивангель бошлиқ бўёқчилар бригадасини янги ғалаба билан кутлашди. Пешқадам коллективнинг меҳнат календарида 1978 йилнинг иккинчи ярми бошланди.

Бошқармамизда барча коллективлар зарбдор вахтада туриб ишлаётир. Юксак сифат ва самарадорлик учун бўлаётган курашда Г. Ивангель раҳбарлигидаги бўёқчилар, «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени кавалери У. Маннонов бошлиқ дурадгорлар, коммунист Ў. Олимжонов етакчилигидаги сувоқчилар бригадалари ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Ҳа, жилокорларнинг қўллари гулдир. Улар меҳнатини, қалб қўрини бағишлаган кўркам биноларни кўрсангиз ҳавасингиз келади.

Ҳар куни ишга кетаётганимда ва қайтаётганимда осмонўпар биноларга завқланиб боқаётган ёш кексани кўриб, касбимга бўлган меҳрим ортиб кетади. Номлари эл оғзига тушган Ўткиржон ва Ўсарбой акалардек забардаст жилокорлар ишлаётган қурилиш объектларига тушиб қолсам, улар сафида меҳнат қилаётганимдан фахрланиб қўяман. Ахир сувоқчилар сардори Ўткиржон Олимжонов иккинчи ва учинчи даражали «Меҳнат шуҳрати» орденлари, қатор медаль ва ғолиблик нишонлари билан тақдирланган. Болгарияда хасковолик қурувчилар билан тажриба алмашган. Ўсарбой Маннонов ҳам иззату икромли қурувчилардан. Энг масъулиятли бинолардаги ёғоч ишлари ана шу жилокор бошлиқ бригадага топширилади. Ахир Давлат Универсал магазини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг редакция-нашриёт корпуси каби ўнлаб муҳташам биноларга унинг меҳнати сингган. Бригадирнинг кўксини «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени ва бошқа мукофотлар безаб турганлиги бежиз эмас-да!

Б. НОСИРОВ,

«Главташкентстрой»нинг Пардозлаш трестига қарашли 24-қурилиш бошқармаси бўёқчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

◆ СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

БУЮРТМАЧИ МАМНУН БЎЛСИН ДЕБ...

Мен меҳнат қилаётган 29-модалар ательесида аёлларнинг, европача ва миллий модадаги кўйлаклари, турли хил аёллар костюмлари ва пальтолари тикилади. Биз кейинги пайтда ўз буюртмачиларимизнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, хизмат кўрсатиш турларини, тикиладиган буюртмалар ассортиментини кўпайтиришга алоҳида аҳамият беряпмиз. Буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ва юксак сифатли иш бажариш 80 кишилик коллективимизнинг асосий иш принципидир.

Шунинг учун ҳам илғор тикувчи ва бичиқчиларимиз ҳар дақиқа иш вақтини тежаш, иш вақтидан юксак унум билан фойдаланишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Нина Гаврилина, София Юнусова, Нина Ким каби ҳамкасбларим доимо илғорликни қўлдан бермаяпти. Ҳар бир тикувчи кунига икки учтадан кўйлак учун буюртма қабул қилади, уни бичиб тикади. Иш юритишнинг бу усули бригадамиз бўйича пландан ташқари ҳар куни 10—12 кўйлак ортиқча тикиб, тайёрлаш имконини бермоқда. Бутун ательемиз бўйича эса ҳар куни 50—60 та кўйлак ва бошқа турли хил буюртмалар тайёрлаб берилмоқда.

Мен ўзим кўп йиллардан буён ушбу ательеда меҳнат қилиб келяпман. Шу йиллар мобайнида ательемиз хизматчиларининг иш маҳоратлари, малакалари ошди, уларнинг меҳнат шароитлари яхшиланди. Бу эса кўп жиҳатдан биз тайёрлаётган буюртмаларнинг сифатига ҳам ижобий таъсир этмоқда.

М. ИНОҒОМОВА.

В. И. Ленин номли якка буюртмалар ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 29-ателье тикувчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ХАТЛАР

КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

Буюк ғамхўрликка жавобан

Чилонзор районида жойлашган Тошкент пластмасса электр буюмлари заводининг III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, коммунист Владимир Алексеевич Кобизев заводда 15 йилдан бери меҳнат қилиб келади.

38-цехда Кобизев бошлиқ бўлган слесарлар бригадаси ойлик, квартал планларини 120—130 процентдан бажараётгани, ишчан коммунист ўз меҳнат фаолияти давомида 30 га яқин шогирд тайёрлагани ҳақида илиқ гаплар эшитдик. Ҳақиқатан ҳам заводда уни ҳамма чексиз ҳурмат қилади.

У бошлиқ бригадага коммунистик меҳнат коллективи номи берилган. В. Кобизев бригадаси СССР Конституцияси бир йиллиги кунигача 3 йиллик планни бажаришга аҳд қилган. Шахсан унинг ўзи 1979 йил январь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Заводда коммунистлар социалистик мусобақа пешқадами бўлишяпти. Масалан, Кобизевнинг мусобақадоши коммунист Юрий Иванович Шенников бошлиқ автомат участкаси бригадасини олайлик. Ю. Шенников 12 йилдан бери ишчи номини улуғлаб келади. У бошлиқ бригада юбилей йилида 8 миллион дона деталь тайёрлаб, планни 120 процент қилиб бажарган эди. Шу кунларда эса Юрийнинг ўзи 1980 йил март ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

— Бу икки қалби олов ишчи,— деди корхона партия ташкилотининг секретари Т. Салимов,— доимо ишлаб чиқаришнинг олдинги сафида боришяпти.

— Шанбаликка қандай тайёргарлик кўряпсизлар?

— «Қизил шанбалик»да заводимизнинг 1800 ишчиси фаол иштирок этади. 43 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2,8 минг сўм маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Ҳа, шу кунларда бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлаш коллективнинг жанговар шиорига айланган.

С. МУСАЕВ,
студент.

ИШЧИ НОМИ МАҒРУР ЖАРАНГЛАР

КОЛЛЕКТИВ ФАХРИ

— Ишхонам менинг иккинчи уйим,— дейди 3-ғишт заводининг ишчиси Абдулла ака Турсунов ички бир фахр билан.

Унинг гапида жон бор. Абдулла аканинг 30 йиллик умри шу даргоҳда ўтди. Эндигина ҳаётга қадам қўйган ўсмир йигит 38-шаҳар ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, заводга ғишт терувчи бўлиб келди. Ўша кезларда заводда катта қурилиш авж олган бўлиб, 1-хумдон қурилмоқда эди. Улкан хумдон қурилишида актив иштирок этиб, билим юртида олган билимини амалда қўллади. Лекин бир йигитга қирқ ҳунар оз дегандай, Абдулла ака шофёрлик касбини ҳам эгаллаб олди. Бундан ташқари Абдулла ака қўли гул слесарь эди. Ундаги бу ажойиб қобилиятни сезган раҳбарлар уни энг муҳим участка ҳисобланган плита цехига юборади. Бу цехда слесарларнинг қўнимсизлиги туфайли машиналар оғир аҳволда қолган эди. Қисқа вақт ичида Абдулла ака бу ердаги машиналарни тартибга солди. Мана энди шу касбда 16 йилдан буён меҳнат қилиб келмоқда.

Абдулла ака Турсунов катта коллективнинг энг керакли одами. Ўз таъбири билан айтганда иккинчи уйининг ҳақиқий аъзоси.

Н. НОРҚОБИЛОВ,
3-ғишт заводи ишчиси.

Миллий чолғу асбоблари фабрикасида кўплаб комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Сиз ушбу суратда мазкур корхонанинг пешқадам ишчилари Зарофат Шерматова ва Дилбар Холназароваларни кўриб турибсиз. Бу илғор комсомол-ёшлар ойлик план ва топшириқларини 120—140 процент адо этишмоқда. Штатсиз фотомуҳбирларимиз О. Авлиёқулиев ва М. Болтабоевлар уларни рубоб тайёрлаш пайтида суратга олишган.

ҲАШАР— ҲАММАГА ЯРАШАР

●

Студентлар ҳиссаси

Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультети студентлари дарсдан бўш вақтларида Халқлар дўстлиги проспектига чиқиб, ирригация шохобчаларини тозалашмоқда.

Ўтган шанба куни 2-курс студентларидан юзга яқин ёшлар умумхалқ ҳашарида қатнашиб, 1600 метр ирригация шохобчаларини тозаладилар ва дарахт, гуллар тагини юмшатишди.

У. ИНОМОВ,
студент.

●

Аҳоли ёрдамида

Собир Раҳимов районидаги Чиғатой дарвоза бекатида ҳашарчилар ёрдамида янги хиёбон ташкил қилиниб, бу ерга 200 туп мевали дарахт ва 3 минг дона ҳар хил гуллар ўтқазилди.

Яқинда «Горводхоз» бошқармаси ишчилари «Янги турмуш» маҳалласидан ўтадиган Кайковуз каналини чиқиндилардан тозалашди. Бунда ҳам 40 дан ортиқ маҳалла аҳолиси қатнашди. Маҳаллада 22 апрель куни бўладиган умумхалқ ҳашарига катта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу куни Фаробий кўчаси ва «Чиғатой» қабристони чиқиндилардан тозаланади.

А. ТОЛИПОВ.

●

Мавсумга тайёргарлик

Шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси ҳамда Ҳамза район телефон тармоқларининг ишчи ва хизматчилари ўтган шанба куни ҳашарга чиқдилар. Улар ўз оталиқларидаги «Алоқачи» пионер лагерига бориб, уни янги мавсумга тайёрлашда иштирок этишди.

Р. ҚУРБОНОВ,
бошқарманинг кабель қалайловчиси.

◆ ВАТАНПАРВАРЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА

МУСТАҲКАМ АЛОҚАДА

Ленин районидаги 154-ўрта мактабда ўқувчи-ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Бу ерда ҳарбий машғулотларни ўтказишга истеъфодаги подполковник С. Постников раҳбарлик қилади.

Ҳозир бу ерда ҳарбий хона мавжуд. Хонадаги стендларнинг ҳаммаси электрлаштирилган. Бу ерда киноаппаратлар сақланадиган, назарий ва тактик машғулотлар ўтказиладиган махсус хоналар мавжуд.

Мактаб ҳовлисида ўқ отиш тири, тўсиқли югуриш йўлкаси, спорт комплекси бор. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг ўзлари томонидан тайёрланган.

Мактаб директори, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, учинчи даражали Шуҳрат орденининг кавалери, запасдаги старшина М. Содиқовнинг ташаббуси асосида бу ерда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича совет ташкил қилинди ва жанговар шуҳрат музейи очилди. Музей Совети ҳозир 25-Чапаев дивизияси босиб ўтган жанговар йўлни ўрганиш билан шуғулланмоқда. «Зарница» ва «Орлёнок» ҳарбий-спорт ўйинларининг тез-тез ўтказиб турилиши ўқувчиларнинг бу соҳадаги амалий кўникмаларини мустаҳкам бўлишига ва уларнинг район ҳамда шаҳар миқёсидаги мусобақаларда ғолиб чиқишларига омил бўляпти.

Ўқувчилар Тошкент гарнизонининг жангчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган.

А. ИНОҚОВ.

Пойтахтимиз бинокорлари Энгельс кўчасида қурилиш ишларини жадал суръатларда амалга оширишмоқда. Бу ерда кейинги йилларда бир қатор маданий-маиший, маъмурий ва турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: шу кўчада қад ростлаган бошқаришни автоматлаштириш системалари лойиҳа конструкторлик бюросининг янги биноси.

Х. Эрнахўжаев фотоси.

Газетхон хабар қилади...

КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Фрунзе район партия комитетининг мажлислар залида ойда бир марта ўтказиладиган ёш коммунистлар мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Уч юздан ортиқ ёш коммунист иштирок этган бу йиғилишда Тошкент Давлат педагогика институти доценти, юридик фанлар кандидати А. Рафиқов «Ленинча принциплар ва уларнинг Ўзбекистон ССР янги Конституциясидаги ифодаси» мавзуида лекция ўқиди.

Машғулот сўнгида Конституциямиз тарихига оид ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.

Газетхон мақтайди

«ФЕРУЗА» ХИЗМАТИНГИЗДА

Муқимий кўчасида яқинда ишга тушган «Феруза» кафеси хизматидан хўрандалар мамнун. Икки қаватли кафенинг биринчи қавати чойхона ва миллий таомлар ошхонасидир. Иккинчи қаватда эса европача таомлар тайёрланади. Зиёфатхона ҳам шу қаватда жойлашган бўлиб, тўйлар, банкетлар ўтказишга мўлжалланган.

Р. МИРЗАОЛИМОВ,
ишчи.

...танқид қилади

ДИЛОЗОР ҲАЙДОВЧИ

10 март кечқурун соат етти яримларда Қатортол бекатида 40 дан ортиқ йўловчи салкам бир соат 9-маршрутда юрадиган трамвайни кутиб туришарди. Мана, бизни «интизор» қилган 21—18 рақами ёзилган 9-маршрутдаги трамвай келиб тўхтади. Йўловчилар унга ёпишишди. Чиққан чиқиб қолди, чиқолмаган қолиб кетди.

Одамлар билет олиш учун танга пуллар узатишар, лекин ҳайдовчи кўзини лўқ қилиб беш тийинга битта, 10 тийинга учта, 20 тийинга олтита абонемент берарди-ю, қайтимини узатмасди. Бу ҳам етмагандек бекатларда тушиб қолган йўловчиларнинг билетини олиб бошқаларга яна қайта сотарди.

Л. РИХСИЕВ,
йўловчи.

ТАНТАНАЛИ ВАЗИЯТДА

«Сантехгазмонтаж» трестининг ёш ишчилари ва мураббийларининг анъанавий слёти Тельман номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилади.

Ҳунар-техника билим юртларини битириб қурилиш трестига ишга келган ёшлар ишчилар синфига тантанали вазиятда қабул қилинади. Меҳнат ветеранлари йиғилганларга ўзларининг тажрибалари, ёшлар билан олиб бораётган тадбирлари, ишчи номи табаррук эканлиги ҳақида гапириб бердилар.

Слётда ўтган йил социалистик мусобақаси бўйича ғолиб чиққан комсомол-ёшлар бригадаларига ғолиблик дипломлари топширилди.

Х. ЙЎЛДОШЕВА.

ХАТЛАРИНГИЗНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

Нега шундай бўлди?

Биз, Октябрь районига жойлашган 15-ҳаммомнинг ишчи, хизматчилари 1977 йил планларини ҳамиша ортиғи билан бажарган бўлишимизга қарамасдан нима учундир ўтган йил учун бериладиган ўн учинчи маошни олмадик. Бундан ташқари беш, олти йилдан бери қозонхона цехи авария ҳолатида бўлиб, унга олиб келинган жиҳозлар эса ҳовлида занглаб ётибди. Бунинг устига негадир ёқув мойи ҳаммомимизга ўз вақтида етказиб берилмайди. Бу ҳақда ҳаммом мудири Ҳасановга ва комбинат бошлиғига бир неча маротаба мурожаат қилдик. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмаётир.

АКБАРОВ, КАРИМОВ, БОҚИЖОНОВ, ИСРОИЛОВ, АҲМЕДОВА, УМАРОВ ва бошқалар. Жами 14 имзо.

15-ҳаммом ва 6-кир ювиш пункти ишчи, хизматчиларининг хатини Октябрь район маиший хизмат кўрсатиш бўлимининг бошлиғи С. ҚОДИРОВ шундай шарҳлайди:

Ишчи ва хизматчиларга ўн учинчи маошнинг тўланмагани тўғри. Ҳаммом ва кир ювиш пункти 1977 йил планларини тўлдирган, лекин комбинат 1977 йилда зиммасига олган 358 минг сўмлик планни бажара олмаган. Йиллик планга 10 минг сўм етмаган. Шунинг учун комбинат ихтиёридаги барча ҳаммом ва кир ювиш цехлари ўтган йилга бериладиган ўн учинчи маошдан ва мукофотлардан маҳрум этилган.

Ҳовлида ётган жиҳозлар эса шу йилнинг учинчи кварталида ўрнатилади ва бино капитал ремонтдан чиқарилади. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидан хабар қилишларича, ҳаммом ва кир ювиш пункти йил давомида ёқилғи билан мунтазам таъминлаб турилади.

ТОШКЕНТ АТРОФИДА

Пойтахтимиздаги стадионлар, спорт майдончалари ўша ҳафтада спортчилар билан гавжум бўлди. Бу беллашувлар «Саломатлик куни» муносабати билан ўтказилди. Шу куни «Ҳаваскор югурувчилар клуби»нинг аъзолари ҳам мусобақа ташкил қилишди. Улар Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб енгил атлетика кросси ўтказдилар.

67 километр узунликдаги ҳалқа йўл бир неча босқичга ажратилди. Биринчи бўлиб эрталабки соат 5 да Давлат автомобиль инспекцияси пости олдида К. Ли, Ф. Учитель, В. Подколзинлар стартга чиқишди. Роҳат кўли олдида уларга Ю. Дорогой, Қўйлиқда А. Лутфуллаев, М. Мустафаевлар қўшилишди. Дастлабки уч киши 33 километр масофани босиб ўтишганларидан кейин ҳаракатни тўхтатишди. А. Лутфуллаев 29 километр масофани югуриб ўтди. Югурувчиларнинг асосий қисми югуришни ҳалқа йўлининг бошланишидан бошлашди. Бу нуқта ипподромнинг олдида белгиланган эди. Э. Орипов, И. Варина, П. Александров, М. Боровиков, В. Меркулов, Э. Валиев, Х. Каримов ва бошқалар 26 километр масофани югуриб ўтишди. «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг ранг-баранг белгилари билан безатилган автобус баҳорги югуриш қатнашчиларини кузатиб борди.

Бу югуришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, қатнашчилар учун қатъий масофа белгиланмади. Ҳар бир киши ўз имкониятидан келиб чиқиб, маълум масофани босиб ўтди. Орадан кўп ўтмасдан клуб аъзолари анъанавий VII Чирчиқ — Тошкент югуришини ўтказишни белгилаб қўйишди. Бу пойга Ғалаба кунига бағишланади.

А. СВЕРДЛИН.

ҲАМ КУЛАСИЗ, КУЯСИЗ

Ўзгартириб қўйишсин

Кунлардан бирида Афанди ўғлининг қўлига кўза тутқазиб, сув олиб келишни буюрибди. Ўғли эшик олдига етганида чақириб олиб юзига бир тарсаки урибди-да, шундай дебди:

— Кўзани синдирмагин.

— Нимага унақа қиласиз?— дебди хотини ранжиб.

— Шундай қилсам синдирмайди.

— Хотинининг жаҳли чиқибди.

— Ахир у кўзани синдиргани йўқ-ку.

— Синдирганидан кейин нима фойдаси бор!— дебди Афанди.

— Ҳозирдан уриб қўйсам, хуморидан чиқаман.

Шу кунларда шаҳримиздаги баъзи жамоат транспортига чиққан одамлар ўша латифани эслайдиган бўлиб қолишди. Кунлардан бирида 18-маршрут бўйлаб қатновчи 3018 номерли троллейбусда шундай воқеа бўлди. Шундоққина салон пештоқига мана бундай сўзлар ёзиб қўйилганди. «Пасткашлик қилманг, вақтида билет олинг!». Ундан нарироқда «Энг яхши контролёр — виждондир» деган сўзлар ярақлаб турибди.

Шу пайт бир аёл кабина эшигидан ҳайдовчига 15 тийин узатди. Ҳайдовчи учта билет бериб, троллейбусни ғизиллатиб кетаверди.

— Қайтими қани?— деб сўради аёл ҳайрон бўлиб.

— Майдам йўқ.

Шу билан савол-жавоб тугади. Салон пештоқига ёзиб қўйилган «пасткашлик» деган сўз шу пайтда кимга кўпроқ тааллуқли эканини билиш мушкул эди.

Ана шу воқеани ёзиб юборган газетхон И. Рустамов трамвай, троллейбус ва автобусларда кўзга ташланадиган катта-кичик шиорларнинг рўйхатини келтирибди. Мана улар: «Битта билет баҳоси 4 тийин, билетсиз юриш 54 тийин». «Билетсиз юрганлар жарима тўлайди», «Ўз вақтида билет олинг», «Пасткашлик қилманг— вақтида билет олинг», «Энг яхши контролер —виждондир», «Майда пул йўқлиги билетсиз юришга сабаб бўлмайди». Ўзбек ва рус тилларида ёзиб ташланган бундай пала-партиш сўзлар йўловчининг гашини келтирибгина қолмайди. Ҳақоратдек туюлади. Тўғри, 50 йўловчи орасида битта-иккита билетсиз кимса бўлиши мумкин. Лекин бунинг эвазига ҳаммага дағ-даға қилиш маданиятсизлик-ку! Яхшиси контролёрлар ана шундай йўловчиларни қоидага биноан жазолайверсин. Лекин ҳамманинг юзига қора чаплайдиган бундай ёзувлар бўлиши шарт эмас. Салоннинг бирон жойига «Йўловчи ўртоқлар, билет олишни унутманг» деб ёзиб қўйилса бас. Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасидаги ўртоқлар бундай ўзбошимчаликни тўхтатиш чорасини ўйлаб кўришса ёмон бўлмайди.

ТОПИШГА ЁРДАМ БЕРИНГ

Энг яхши куй ҳақидаги қадимий латифани билсангиз керак. Бир созанданинг уйига меҳмон келибди. Созанда меҳмоннинг рўпарасига ўтириб олиб, ашула айтавериб тинкасини қуритиб юборибди. Охири «қалай, яхши чаларканманми?» деб сўрабди. Ўшанда очиқиб кетган меҳмон айтган экан:

— Ҳозир мен учун энг яхши куй капкирнинг товуши.

Тўғри, «Бирлик» маҳалла, Чувалачи кўчасида истиқомат қиладиган кишилар созанда эмас. Уларнинг уйига келган меҳмон капкир садосини интиқлик билан кутмайди. Бу ердаги меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам машина гудогини орзиқиб кутишади. Ахлат машинасининг чўзиб-чўзиб чаладиган сигналини...

Бунинг сабаби бор. Чувалачи кўчасига ахлат машиналари кирмай қўйганига икки ойдан ошди. Одамлар ахлатни қаерга тўкишни билмай сарсон бўлиб қолишди.

Шаҳримиздаги 17-шаҳар касалхонаси томон кетаверишда, 63-мактаб атрофида истиқомат қиладиган кишилар эса Киров район «Автодормехбаза» машиналарини байрамни кутгандек кутадиган бўлиб қолишган. Шу райондаги Отчопар кўчасида яшайдиганлар ахлат ташийдиган машиналарни фақат узоқдан кўришади. Бу машиналар Отчопар-2 чойхонаси олдида турна қатор бўлиб туришади. Лекин кўчага киришни хаёлига ҳам келтирмайди. Билағон одамлар бунинг йўлини топишган. Чойхонада оёғини чалиштириб кўк чой ичиб ўтирадиган ҳайдовчиларнинг олдига бориб секин кўз қисишади. Ҳайдовчи ҳам кўзини қисиб қўяди. Борган одам 1 сўм кўрсатса ҳайдовчи эринибгина ўрнидан туради. Ўша одам айтган жойга келади-ю ахлатни ортиб жўнаб қолади. Пақир кўтарганлар узоқда жўнаб кетаётган машинанинг чангини кўриб қолишаверади. «Автодормехбаза»нинг қониқарсиз иши ҳақида Собир Раҳимов районидан мактуб йўллаган М. Шарифхўжаева, М. Абдуллаева, Қ. Ғанихўжаева сингари ўндан ортиқ газетхон, Киров районидан хат ёзган Шамсутдинов, Юсупова, Раҳматова, Норқулов сингари газетхонлар йўқолган машиналар қачон пайдо бўлишини сўраяптилар. Уларнинг бу саволига ҳар иккала район «Автодормехбаза»си раҳбарлари жавоб беришгани маъқул.

ҲУШЁРБЕК.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ИСАЕВ: Мен яқинда учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотландим. Эшитишимча бу орден ҳукуматимизнинг бошқа орденларидан фарқ қилар эмиш. Иложи бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Уч даражали Меҳнат Шуҳрати ордени СССР ҳукуматининг мукофотлари орасида алоҳида ўрин тутади. Бу орден билан фақат ишчилар, мастерлар, колхозчилар тақдирланадилар. Шу боисдан ҳам халқ орасида у ишчи шуҳрати ордени деган ном олган.

Меҳнат Шуҳрати ордени СССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 18 январдаги Фармонига асосан таъсис этилган. Бу орден билан саноат корхоналари, транспорт ва қурилишда узоқ муддат ва самарали меҳнат қилган ишчилар, мастерлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари мукофотланадилар.

* * *

Ғ. СУФИЕВА. Кутилмаганда юқумли ва хавфли касалликка дучор бўлиб қолдим. Ҳозир касалхонадаман. Врачларнинг айтишларига қараганда ўн ойдан зиёд муддат даволанишим керак экан. Айтингчи, менга маъмурият қандай муҳлатга отпуска бериши мумкин?

Жавоб: Касаллик варақаси ёки отпускаси меҳнат қобилиятини тиклагунга қадар ёки врачлик-меҳнат эксперт комиссияси инвалидлигини белгилагунга қадар ўтган бутун вақт мобайнида бериб турилади.

Касаллиги узоққа чўзилган кишилар меҳнатга лаёқатсизлиги бошланган кундан кейин, тўрт ойдан кечиктирмай ёки кейинги 12 ой мобайнида касаллик қайталаган тақдирда меҳнат қобилиятини жами бўлиб беш ой йўқотганида беш ойдан кечиктирмай врачлик-меҳнат эксперт комиссияси кўригидан ўтказишга юборилади. Сил ва шунга ўхшаш юқумли ва хавфли касалликларга чалиниш туфайли меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ишчи ва хизматчилар меҳнатга лаёқатсизлиги бошланган кундан бошлаб ўн ойдан кечиктирмай врачлик-меҳнат эксперт комиссиясининг кўригидан ўтказишга юборилади.

Башарти врачлик-меҳнат эксперт комиссиянинг хулосасига мувофиқ беморни инвалид деб ҳисоблашга асос бўлмаса ва у ҳали ҳам меҳнатга лаёқатсиз бўлса, бундай ҳолда касаллик варақаси махсус инструкцияга белгиланган тартибга кўра узайтириб берилиши лозим.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Йўл ҳаракати қоидаларининг 103-моддасида шундай дейилган: **«Агар светофор чироғи ёки регулировкачи трамвай билан изсиз транспортнинг бир томонга йўналишига рухсат берган тақдирда, ҳаракатнинг қайси томонга йўналишидан қатъий назар трамвай биринчи навбатда ўтиши керак».**

Икарус— 260 маркали 01—62 ТНИ номерли автобус ҳайдовчиси Владимир Апасов қоиданинг ана шу талабини бажармади. У Усмон Юсупов кўчаси бўйлаб борар экан, ана шу кўчани кесиб ўтувчи Архитекторлар кўчаси бўйлаб келаётган ва чап томонга бурилаётган трамвайни ўтказиб юбормади. РВЗ—6 1179 номерли трамвай вагонини Анатолий Ли бошқариб келар эди. Тўқнашув натижасида автобусда келаётган бир аёл киши жароҳатланди ва 17-шаҳар касалхонасига келтирилди.

Владимир Апасов келтирилган зарарни тўлайдиган бўлди ва унинг иши Давлат автоинспекцияси н и н г маъмурий комиссиясига юборилди.

• *Садриддин Айний туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан*

„Қуллар“ романининг социал ва бадиий хусусиятлари

САДРИДДИН Айний ҳаётини тарихий асарлар битишга бағишлаган ёзувчи. Бугина эмас у тарих билан замонни омухта қилаоладиган, бугунги кунни кечаги кун воқеалари билан изоҳлайдиган, тарих воқеаларидан янги маъно излайдиган ва шу хилдаги маънони топабиладиган адиблардан. Унинг ҳар бир асари одатда халқ тарихининг маълум бир босқичини ёки босқичларини акс эттиради. Садриддин Айнийнинг истеъдоди тарихий воқеаларни акс эттирганда ўзининг ҳамма фазилатлари билан кўз олдимизда намоён бўлади. Бироқ у тарихни майдаламайди. У фақат тарихшуносларга эмас, балки халқ оммасига маълум бўлган конкрет воқеаларни тасвир объекти қилиб олади.

Унинг биринчи прозаик асари «Бухоро жаллодлари»нинг негизида Колесов воқеаси ва бу воқеа натижасида рўй берган фожеалар ўз аксини топади. Унинг иккинчи қиссаси «Одина» повестининг негизида ҳам тарихий воқеалар ётади. Асар бош қаҳрамони Одина характерининг тасвири муносабати билан адиб китобхонни Тошкентда Октябрь социалистик революцияси ғалабасига тегишли воқеалар билан таништиради. «Дохунда»чи? Бу асарда ҳам тарихий воқеалар асарнинг мағзини ташкил қилади. Бунда тарихий воқеалар «Бухоро жаллодлари» ва «Одина» қиссасидагидан ҳам кўпроқ ўрин олади. Асарнинг кўпгина бобларида ёзувчи Бухорода революция ғалабасига тегишли баъзи бир воқеаларни ҳатто кун-бакун ва ойма-ой хронологик тарзда эслатиб боради, халқ онгида, унинг типик вакили бўлмиш Дохунда дунёқарашида рўй бераётган силжишларни ўша тарихий воқеалар билан изоҳлайди.

Бу қисса ва романлардан кейинги Садриддин Айний ижодий лабораториясини шундай тасаввур қилиш мумкин: тарих қатламларига кирган сари унинг яна ҳам сирлироқ нуқталарига назар ташлаш истаги туғилди. Уни қарийб бир асрлик давр панорамаси қизиқтирди. Бу истак асосида у тарихий темада янги бир, яна ҳам мукаммалроқ, яна ҳам кўламлироқ асар яратиш устида ўйлади. Бунинг натижасида ўлка тарихининг узоқ даврини акс эттирадиган «Қуллар» романи пайдо бўлди.

«Қуллар»да 100 йилдан кўпроқ тарихий давр, бу даврда бойлик билан меҳнат орасидаги зиддият, бу зиддиятнинг қатор тарихий босқичлари, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш пайтларида халқ ҳаётида рўй берган ўзгариш ва алғов-далғовлар ўз аксини топди.

Адиб ниятидан келиб чиқадиган бу романнинг бошқа бир ўзига хос хислати бор: бу ҳаёт кўлами масаласидир. Гап шундаки, Ўрта Осиё хонлик ва бекликларга бўлиниб, ўлка-ўлка бўлиб ҳаёт кечирган бўлса ҳам бутун Ўрта Осиёга, балки ер шарининг кўп қисмига хос бўлган муштаракликлар бор эди. Садриддин Айний бу муштаракликларни ҳам акс эттиришни ният қилди. Масалан, бу ерда ўзбек билан бир қаторда тожик, тожик билан бир қаторда туркман, туркман билан бир қаторда қозоқ ва қирғизлар яшар ва шу ўлканинг эгалари ҳисобланар эдилар. Адиб бу миллатлар орасидаги муносабатлар, улардан баъзиларининг ҳаёт тарзи, тарихда тутган ўрни ҳақида ҳам фикр юритади.

Романда воқеа XIX аср бошларида Ўрта Осиёнинг жанубий саҳросида қўрғон қуриб, чопқинчилик билан мол-дунё орттириб, қўшни давлатлар фуқароларини суриб, Ўрта Осиё бозорларини қуллар билан таъмин қилиб турадиган Қилич халифа, Абдураҳмон сардорлар ҳаёти тасвири билан бошланади. Адиб бизни Қилич халифа қўрғонига олиб киради, уларнинг тирикчилик тарзи, ҳаёт йўллари, бойлик орттириш воситалари билан таништиради. Танишатуриб ёзувчининг ўша давр ҳаёти ҳақидаги алоҳида қўрғон бўлиб ўтирган туркман гуруҳининг ҳаётини қай даражада аниқ тасаввур қилишини кўриб тасаннолар айтгимиз келади. Ўша аниқ тасаввури билан бизни адиб Қилич халифа йигитларининг босқинчиликдан иборат, «касбкори» билан таништиради. Кейин қуллар билан бирга биз Бухоро бозорига, Туркман босқинчилари қўрғонига нисбатан бутунлай бошқа бир муҳитга тушамиз. Бу ерда биз савдо марказида бўладиган ҳийлайи-найранглар, фирибгарликлар, ноинсоний муносабатлар билан батафсил танишамиз. Бухоро бозорларида ҳам узоқ сақланмасдан бандилар кетидан бориб Бухоро атрофидаги қишлоқлардан бирига борамиз ва бу ерда қуллар ҳаёти, бойлик билан меҳнат орасидаги зиддиятлар билан яқиндан танишамиз.

Романнинг бобларидан бирида татар бойи образи муносабати билан Ўрта Осиёнинг Россия ихтиёрига ўтиши, шу муносабат билан ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган янгиликлар ҳақида маълумотлар оламиз. Айний Қилич халифа қўрғонидаги туркман ҳаётини қай даражада реал қилиб кўрсата олган бўлса, татар бойининг индивидуал ва умумлашган хислатларини шу даражада аниқ кўрсата олганки, бунинг учун ёзувчига яна бир марта тасаннолар дегимиз келади. Татар бойи ҳали феодал муносабатлар мустаҳкам бир ҳаёт майдонига келиб, ўзи яшаётган капиталистик дунё қоида-қонунларини ташвиқот қилади ва бу қоида-қонунлар Бухоро ўлкасига келиб кириши муқаррар эканини ўз синфдошларига англатади. «Қуллар»да асар кўламини таъмин қиладиган образлар, хусусан Қилич халифа ва татар бойининг индивидуаллаштирилган характерини яратиш йўлида анча меҳнат қилгани асардан маълум бўлиб туради. Умум туркий тиллар нормасидан чиқмаган ҳолда адиб туркман ва татар нутқига хос белгиларни бу икки образ тили орқали бера олади. Назаримизда «Қуллар» романининг ўзбекча битилиб кейин тожикчага ағдарилишининг сабабларидан бири ҳам шу— асарда иштирок этадиган персонажлар тили орқали давр колоритини яратиш бўлса керак.

«Қуллар» романи композицион жиҳатдан асар ғоясининг шаклланиши Ўрта Осиё адабиёт жараёнида тамоман янгилик эди. Шу хил оригинал композицияда асар яратишнинг ўзи жасорат эди. Гап шундаки, бунгача ўзбек, тожик, қозоқ адабиётларида яратилган асарлар одатда битта-иккита қаҳрамонлар саргузаштлари, ҳаёт йўлларидан иборат бўлиб, асарга киритилган бошқа образлар қуёш атрофида Сайёралар айлангани сингари ўша битта-иккита образ атрофида айланишар эди. Абдулла Қодирийнинг иккита романи ҳам, Садриддин Айнийнинг ўзининг қисса ва романлари ҳам шу йўл билан яратилган эди. «Қуллар»да бу хилдаги битта-иккита марказий образни кўрмаймиз. Унинг марказида икки-уч авлоддан иборат қуллар образи, улар тарихи туради. Бу йўл адиб учун ниҳоятда хавф ва хатарли йўл эди. Чунки маълум бир индивидуал шахсларнинг асар марказида турмаслиги ёзувчини ҳар қадамда умум ва мавҳум фикрлар баён қилиш йўлига олиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Айнийнинг ёзувчилик истеъдоди уни доим бу хавф-хатардан сақлаб турди. Натижада типиклаштирилган ва индивидуаллаштирилган ўнлаб образларни марказда тутиб турган роман яратилди.

Масаланинг яна бир муҳим томони шунда эдики, ёзувчи қуллар ҳаётий ва маънавий дунёсининг эволюциясини акс эттира олади. Асарнинг биринчи қисмларида асосий эътибор қулларнинг пайдо бўлиши, қулларнинг яратилиши хусусида гап боради. Бу бобларда ёзувчи қул яратувчилар ҳаётига тегишли материални кўпроқ жалб қилади-да бевосита қуллар ҳаётини иккинчи планда тутади. Романнинг кейинги қисмларида ёзувчи аста-секин қуллар ҳаётини бевосита олдинги планга чиқара бошлайди. Уларнинг оддий бир буюм сифатида бозор майдонида нарх қўйилиб, қулжаллоблар воситаси билан қўлдан-қўлга ўтишларини кўрамиз. Ахири маълум бир хўжайин қўлига тушиб, улар ҳаётининг бироз турғунлашган пайтлари билан танишамиз. Ёзувчи бой қўлида қулларнинг ниҳоятда паст ҳаёт кечиришлари, уларга нисбатан заррача бўлса ҳам инсоний муносабатнинг бўлмаслиги, ҳатто ошнинг аталаси, кийимнинг жулдури ҳам уларга раво кўрилмаслиги, уй-жой, кўрпа-тўшак, оила деган тушунчаларнинг умуман уларга ет эканини кўрсатадиган манзаралар яратилади. Шу тарзда бой эшигида йиллар, ўн йиллар ўтади. Борган сари бой ҳамёни пулга, омбори молга тўлиб, донғи бутун музофотга тарқала боради. Бироқ қуллар ҳаётида бирор ўзгариш рўй бермайди. Фақат битта ўзгариш бор: ёш қуллар катта бўлишади, катталар кексаяди, кексалар бу дунёнинг азоб-уқубатларидан қутилишади... Умуман улар ҳаётида бирор ёруғликдан нишон кўринмайди. Дунёда ёруғлик бўлиши ҳақида бирор тасаввурга ҳам эга эмас улар. Энг оғир кунларда қулларнинг хаёлига келган нарса қочиш бўлади. Бироқ буни ҳам уддасидан чиқаолмайдилар. Қочқинларни тез топиб келишади. Оёқларига кундалар тушади, билакларга тамғалар босилади... Ана ўша қабиҳ, тубан ҳаёт, ўша оғир меҳнат, ноинсоний муносабатлар...

Марказдан узоқда, Қизилқум барханлари орасида бой қўлида банди бўлиб, қуллик умрини ўтказаётган бу таҳқирланганлар ҳаётида бирор кўзга чалинарлик ўзгариш сезилмаса ҳам, дунёнинг бошқа бурчакларида қачдайдир ўзгаришлар бўлаётганидан ёзувчи дарак беради. Бу ўзгаришлар аста-секин кўзлари нурсизланган, қулоқлари карланган қулларгача етиб кела бошлайди. Энди улар ҳам озгина, узуқ-юлуқ тарзда бўлса ҳам ўзлари ҳақида, ўзларининг инсон боласи эканлиги ҳақида ўйлай бошлайдилар. Хусусан «хоназод» бўлиб ерҳўмма ва чайлалардан иборат «Ғуломон» қишлоғини барпо қилиб, бир-бирлари билан яқинлашиб бир жамоа бўлгач қуллар ҳаётида қандайдир уйғонишлар бошланади. Ҳаётда қандайдир ўзгаришлар бўлиши мумкин эканига ишонч ҳосил бўлади. Бундан ташқари улар энди ҳаётда учраб турадиган нималаргадир кўниш мумкин, нималаргадир озгина бўлса ҳам эътироз ҳам билдириш мумкин-ку, деган хулосага ҳам келадилар. Жуда бўлмаганда юқоридан келган зулм ва заҳматларни бефарқ, бепарво, индамасдан қабул қилабериш шарт эмаслигига тушуна боришади.

Романнинг иккинчи қисмида ёзувчи «Ғуломон» қишлоғида рўй берган шундай бир эпизод билан китобхонни таништиради. Амин, қози ва имомлар қишлоққа келиб деҳқонлар ерларидаги ҳосилни молият (бор ҳосилнинг амиратга ажратиладиган қисмини белгилаш) қиладилар. Бу иш жараёнида амир одамлари кўпгина зўрлик ва ноҳақсизликларга йўл қўядилар. Ушанда қул деҳқонлар амир кишилари юзига тик қараб: «бедодлик!.. ҳақсизлик!.. инсофсизлик!..» (3 том, 122-бет) дея оладилар. «Нотўғри, нотўғри, нотўғри» деб такрор-такрор норозиликларини билдирадилар. Тўғри, шу вақтнинг ўзидаёқ хитоб қилишга, инсоф талаб қилган қулларга қарши одатдагидек тегишли жазо берилади, бироқ ҳақсизликни ҳақсизлик, инсофсизликни инсофсизлик деб айтиш учун қул қуллик даражасидан бироз юқори кўтарилган бўлиши керак эди. Садриддин Айний уларни шу кўтарилиш даражасини реал акс эттира олди.

Революция кунлари етиб келади. Шу муносабат билан инсон ҳақҳуқуқи ҳақидаги оддий меҳнаткашнинг ҳаётидаги ўрни ҳақидаги узуқ-юлуқ фикрлар «Ғуломон» аҳолисига ҳам етиб келабошлайди. Ўша кезлари Бухоро музофотида рўй берган алғов-далғовлар, сиёсий курашлар ҳақида қулларда кенгроқ тасаввурлар йўқ эди, албатта. Бироқ улар бой билан камбағал ораларидаги муносабатни, нега камбағалнинг қорни тўқ, усти бутун бўлмаслигини, бойнинг бой бўлиб кетиш сабаблари ҳақида уларнинг ўз фикрлари йўқ эмас эди.

Романнинг учинчи қисмида жадидлар мафкураси таъсирига ўтган бир қул билан ҳали бирор мафкура томон ўтмаган бошқа бир қул орасида сиёсатга тегишли диалог берилади. Жадид қул иложи борича жадидлар программасини ташвиқот қилиб, кўпроқ амир ва унинг атрофидагиларни қоралайди. Иккинчи қул эса бу программани қабул қилавермайди ва унга жавобан шундай дейди:

«Жабру зулм, фиску фасод қиладиганлар ёлғиз амир ва унинг одамлари эмас-ку... Чунончи бизнинг хўжайин мени шу ўн-ўн беш йил орасида ўз қишлоғидаги йигирма —ўттиз деҳқонни тўй, аза, жанжал, хархаша устида ҳийла билан кўп чиқим қилдириб қарздор қилиб, аста-аста уларнинг бутун ер-сувларини ўз қўлига киргизиб олиб, ўзларини ўзига етим, чорикор ва мардикор қилиб олди...

Қиш демай, ёз демай, қор демай, бўрон демай йил-ўн икки ой чўлда қўйнинг орқасида юрамиз, ҳар йил хўжайин тери сотиб, уйига хуржунлаб тилла-танга ташийди. Аммо бизнинг кийимимиз шу, еганимиз эланмаган арпа уни...

...Амир ва унинг одамлари ҳам шу бой, арбоб, оқсоқол ва катталарнинг кўтариб чиқарган нарсалари. Мана шунинг учун, агар қўлингиздан келса, аввал шуларни тузатиш ёки йўқотиш керак» (3 том, 173—174-бетлар).

Ҳуррият ҳақидаги баҳс шу тарика давом этади. Тўғри, кечаги қул, бугунги карол, чоракор деҳқон биз кутгандан кўра ҳам чуқуроқ марксист савиясида мулоҳазалар юритаётгандек кўринади. Баъзи ўринларда бунга ишониш ҳам қийиндек туюлади. Бироқ ҳаёт азоб-уқубатларини обдон тортган, қаерлардадир ва қандайдир ёруғликлар келаётганига кўзи етган саводсиз меҳнаткаш ҳам ўзининг ҳаётдаги ўрни, камбағалликларининг сабаби ҳақида маълум даражада объектив хулосага келиши мумкин-ку! Бундан ташқари Туркистоннинг бошқа жойларида ғалаба қозонган большевиклар ғояси аста-секин Бухоро музофотига ўтиб меҳнаткашлар онгига таъсир қила бошлагани шубҳасиз эди. «Хоназод» қуллар ичидан чиқиб жадидлар программасини ташвиқот қилиб юрган жадид Шокирғуломнинг «Сизларни амирга қарши қўзғатган мен эмасми?» деганда Сафарқул: «...Бизни сиз эмас, балки Тошкент ва Самарқанддан кела бошлаган большевиклар шамоли қўзғотди» (3 том, 212-бет) деб жавоб беради. Бутун роман контекстидаги қуллар образининг мантиқидан шундай хулоса чиқадики, объектив ҳақиқат, бошга тушган жабр-зулмлар кечаги қул, бугунги карол ва чоракорларни қўзғотди, большевиклар «шамоли» эса уларни ҳаракатга келтирди. Шу сабабдан Ғуломон қишлоғининг типик вакилларидан Эргаш, Сафарқуллар революцион ҳаракатга қўшилиб, қўлига қурол олиб янги ҳаёт учун курашга отланганларида уларнинг бу ҳатти-ҳаракатларида биз заррача нотабиийлик сезмаймиз. Биз шуни англаймизки, ҳаётнинг ўзи, унинг жабр—зулмлари, чидаб бўлмайдиган кўргиликлари уларни бу йўлга бошлайди.

Садриддин Айний ўз асарларида воқеаларни, тасвир объекти қилиб олган характерларни мантиқан ниҳояга етказа оладиган, ҳатто баъзан бу ишни «ошиғи» билан амалга оширадиган адиблардан эди. Бунинг сабаби шунда бўлса кераки, Садриддин Айний шахсан ўзи ҳаёт жабр-зулмларини обдан кўрган адиб. Шу сабабдан образлар устида ўйлаганда улар фақат ёруғликка интилувчи ёки «ҳаётда ёруғлик бўлиши мумкин экан-ку» деган хулосага олиб келиб асарни тугаллаб қўя қолиш етарли деб ҳисобламайди, гарчи характерлар психологиясининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши асар ечими учун етарли бўлса ҳам, Садриддин Айний ўз қаҳрамонларининг ҳаёт йўлларини шу хилдаги ҳолат ўзгаришлардан кейин ҳам давом қилдиради. «Дохунда» романидаги Ёдгор психологиясида ҳали у амир обхонасида ётган пайтлардаёқ кескин ўзгариш бўлади ва ўзини большевик ҳисоблайди. Асарни шу билан тугатиш ҳам мумкин эди. Бу тугалланишга китобхон ўзида қаноат ҳосил қилса ҳам, ёзувчининг ўзи қаноатланмагандек бўлар эди. Шу боисдан адиб романнинг анчагина бобларини Ёдгорнинг кейинги ҳаёти — унинг ҳаётни қайта қуришда олиб борган жонбозликларини кўрсатишни лозим кўрди. Адибнинг бу хилда иш тутиши бир ҳайдаб экиш мумкин бўлган ерни ишни пишиқ қилиш учун яна бир ҳайдаб экин экадиган бободеҳқон ишини эслатади. Бу асардан кузатилган бадиий ниятни энг охирги ниҳояга етказиш, бошқачароқ қилиб айтганда «ошиғи» билан воқеаларни тугалликка олиб боришдир.

«Қуллар» романида ҳам худди шу ҳолни кўрамиз. Асарнинг асосий қисмларида биз қуллар онгида рўй берган кескин ўзгаришнинг гувоҳи бўламиз. Ёзувчи шу ўзгаришларга ишора қилиб асарни тугатиб қўяқолиши мумкин эди. Аммо Садриддин Айний назарида бу етарли эмас эди. Шу боисдан у асарни давом қилдиради. Биз кечаги қулларнинг фақат янги ҳаёт ташвиқотчиларига эмас, балки янги ҳаёт курашчиларига айланганини кўрамиз. Улар, хусусан Эргашқул, Сафарқуллар қўлларига қурол олиб янги ҳаёт учун курашга отланадилар, яқиндагина улар устидан хўжайинлик қилиб, улар тепасида таёқ синдирган, эндиликда революция душманларига айланган босмачи унсурларга қарши курашларда қатнашадилар, уларни бироз тинчитганларидан кейин ер ислоҳоти, халқ хўжалигини тиклаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишларига актив қатнашадилар — қисқаси ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинларига айланадилар.

Воқеа, вақт, ўрин образлар танлашда Садриддин Айний ноёб санъаткорлардан экани маълум. Унинг истеъдодига тегишли яна бир хислат бор. Адибнинг асарлари кўпроқ хронологик планда ёзилган бўлиб, тўқима воқеалардан кўра тарихий ҳодисаларни айнан «кўчирил»гани, аниқ воқеалардан яратилган сюжет тизмаси бўлса ҳам, алоҳида-алоҳида эпизодлар тасвирда китобхонни тортадиган, унинг эътиборини ром қилиб, бир хил қизиқишда тутиб турадиган сир яшира олади. Бошқача қилиб айтганда унинг асарлари, хусусан «Қуллар» романи бошдан охиригача сирли эпизодлар йиғимидан иборатдир.

«Қуллар» романидаги IV бўлим, бешинчи бобдаги эпизод тасвирига бир назар ташлайлик:

Полвон араб ҳовлиси тевараги. Қиш куни. Ҳовли ташқарисидаги қумда номаълум одам ўтирибди. У ўрнидан туриб ҳовли томон борди.

«У бу кеча нега бунча кечикди-я» деб хавотирланади.

Бу одам ким, у кимни кутаяпти, бу ҳақда биз ҳеч нарса билмаймиз.

Номаълум одам яна жойига бориб ётади, юлдузларни кузатади, уларнинг раҳмсизлигидан нолийди. Бир пастдан кейин у қумни ковлаб ўзига жой қилади. Бироз ётгач ошхона мўрисидан чиққан тутунни кўриб: «Э-ҳе... булар энди ош пиширишга киришдилар-ку, саҳаргача бу гўрда кўмилиб ётиш керак бўлади, афтидан» дейди.

Нега қумдан ўзига «гўр» қазиди, нимага у мўридан чиққан тутунни кузатади, бу уйда пишаётган ошга унинг нима алоқаси бор— булар китобхон учун сир. Сирлар кетидан яна бир сир. Бу одамнинг ўзи сир, унинг ҳолатлари ва кайфияти ҳам сир.

Ярим соат ўтар ўтмас ошхона тутуни тўхтади. У томондан «бир қора» кўринади. Бу қора том билан девор орасидаги оралиқни хатлаб ўзини девор бошига олди.

Бу ерда ҳам сир. Кўринган нарса шунчаки «қора». У нима, одам қорасими, ё бирор ҳайвон қорасими, буни билаолмаймиз, бироқ билгимиз келади. Тасвир давом этади: «қора» деб аталган нарса девор бошига тикланиб қум ҳамоларни кўздан кечирганида, кўмилиб ётган одамга маълум бўлдики, у одам экан».

«Ахир келди» деди кўмилиб ётган одам.

Ким келди, нимага келди, бу ҳақда ёзувчи ҳеч нарса демайди.

«Бу ерда ҳеч ким кўринмайди-ку», дейди «қора» кўриниб келган киши. Девордан сирғаниб тушиб, қум ҳамоси томон юрди, у ерни айланиб «у зерикиб қайтиб кетган» деган фикрга келади.

Улар бир-бирларини топгандан кейин маълум бўладики, қумга кўмилиб ётган Сафарқул, «қора» кўриниб келган одам унинг севиклиси Муҳаббат.

Улар орасидаги суҳбат ҳам сирли:

«Ҳаммалар келдими?» деб сўрайди, Сафарқул.

Кимлар улар, нимага уларнинг ҳаммаларининг келиши билан у қизиқяпти, бу бизни қизиқтиради. Муҳаббат.

Ўтган ҳафта келганларнинг ҳаммаси келди, меҳмонхона тўлди, деб жавоб беради.

Булардан маълум бўладики, бойникига кимлардир йиғилган, бу йиғилганлар Сафарқулни бениҳоя қизиқтиради.

Сафарқул меҳмонлар орасида бўладиган гапларни эшитишга ҳаракат қипишни маслаҳат қилиб Муҳаббатни яна ҳовлига жўнатади. Улар орасидаги қисқа диалог бироз масалани ойдинлаштиради:

«— Э, худойим-ей, — деган ҳолда Муҳаббат ўрнидан турди, — бундай тирикчилик жонга тегди. Шунча қийинчиликлар орасида кошки бирон кеча сиз билан ёзилиб ётиш муяссар бўлса.

— Шошма, бўлади, ҳали қўрқмасдан ишлаш керак.

— Мен ишлашдан қўрқмайман, лекин қўлга тушсам ҳамма тилакларим барбод кетади, деб қўрқаман.

— Барбод кетмайди, биз яшаймиз... тез бор, сиринг очилиб қолмасин.

— Келинг, мени деворга чиқариб қўйинг, ахир, — деди.

— Хўп, борабер етиб бораман...

— Унутаёзган эканман— дейди қиз— Ўрмон полвон ўз йигитларини қишлоқ теварагига қоровул қўйди. Кетар чоқда эҳтиёт бўлинг, уларнинг қўлига туша қолманг»...

Энди маълум бўладики, Ўрмон полвонникига революция душманлари йиғилган, ҳовли яқинига келиб бекиниб олиб бу ҳолни Сафарқул кузатаяпти, ҳовли ичкарисида бўлаётган воқеа ва суҳбатлардан уни Муҳаббат хабардор қиляпти. Бу кузатиш, учрашувлар биринчи гал эмас, балки кўп марта такрорланган. Адиб бу воқеалардан фақат биттасинигина ҳеч қандай изоҳсиз, тушунтирувларсиз, ҳаётда бўлиши мумкин шаклида китобхонга етказаяпти, изоҳсиз ва тушунтирувларсиз бўлганидан китобхон бу воқеа билан қизиқади.

Воқеаларни сирли қилиб тасвирлаш бадиий ижодда янгилик эмас, албатта. Ўзбек адабиётида бунинг энг яхши намунасини «Ўтган кунлар» романида Абдулла Қодирий яратган эди. Садриддин Айний ҳам шу анъанага асосланиб иш кўрди, айтиш керакки, шу туфайли ўз асарларининг бадиий қувватини таъминлади. Тўғри, Абдулла Қодирий «сир сақлаш» билан Айний асарларидан «сир сақлаш» орасида фарқ бор. Абдулла Қодирий йирикроқ воқеаларда ҳам сир сақлай олар, бу сирларга одам қалбини ларзага соладиган кескин бурилишларни пайванд қила олар эди. Садриддин Айний эса ўз йўлидан бориб, кескин воқеа бурилишлар билан банд бўлабермасдан, кўпроқ, юқорида айтганимиздек, тасвирланаётган ҳар бир эпизодга, ҳар бир воқеагача сир бағишлай олади ва шу йўл билан ўз асарига зўр қизиқиш уйғота олади.

Шундай қилиб Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи фақат ҳаётни кенг кўламда, тасвирланган даврга нисбатан реакцион ва революцион контрастларини объектив ҳаётнинг динамикасини тўғри тушунган ҳолда тарихан ҳаққонийгина эмас, балки Ўзбек Совет адабиёти тарихида ўзига хос дид ва маҳорат билан битилган тўнғич романлардан биридир. Бундан ташқари Садриддин Айний ўзининг прозаик асарлари, хусусан «Қуллар» романи билан ҳаётнинг энг майда икир-чикирлари, микроскопик деталлари билан тўла акс эттириш номуналарини берди. Ўзининг бу барча хислатлари билан «Қуллар» романи Ўзбек Совет романчилиги тарихида фахрли ўрин эгаллади ва ёш ўзбек романнавислари учун қимматли ижод сабоғи бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ.

План бўйича кашфиёт

Узбекистон Геология министрлигининг коллективлари беш йиллик учинчи йилига қабул қилган социалистик мажбуриятда «иккита табиий газ кони очилади» деган сатрлар бор. Улар берган сўзларининг устидан чиқдилар — иккита кон очилди.

Шулардан биринчиси — Марков газ кони Қашқадарё областининг Косон районида жойлашган.

Иккинчиси — Ғарбий Ҳожи газ кони Бухоро областида, Қизилқумнинг ғарбий қисмида жойлашган. Бу ердаги газ таркибида олтингугурт шу қадар кўпки, у Узбекистонда индустриянинг ёш соҳаси— олтингугурт саноати учун қўшимча хом ашё базаси бўлиб хизмат қила олади.

Иккала янги кондан конденсат — таркиби жиҳатидан нефтга яқин суюқлик ҳам чиқади. Баъзи хил конденсат билан дизель моторини бемалол юргизиш мумкин бўлади.

Узбекистон ССР Геология министрлигидан хабар қилишларича, кейинги йилларда газ разведка ишлари анча тезлашди. Геофизик хизматни мустаҳкамлаш, геофизиклар берган маълумотларни анализ қилишда математик методларни жорий этиш натижасида бунга эришилди. Масалан, ҳисобдон машиналар тайёр қудуқни қандай қилса яхшироқ синаш мумкинлигини, газ қайси чуқурликдан чиқишини тез ва аниқ белгилашга имкон беради. Янги пармалаш снарядлари, социалистик мусобақа илғорлари ишлаб чиққан меҳнатни ташкил этишнинг рационал усуллари қудуқ қазиш тезлигини йилдан-йилга ошириб бориш, бинобарин ер бағри тўғрисидаги янги маълумотлар «олишни» тезлаштиришга имкон берди. Мана шу чоралар натижасида Узбекистонда табиий газ запасларини ошириш беш йиллик плани икки йилда бажарилди. Геологлар беш йилликнинг қолган йиллари мобайнида мамлакат энергетика ресурсларини тўлдиришга пландан ташқари ҳисса қўшиб борадилар.

Ю. КРУЖИЛИН.
УзТАГ мухбири.

САЙҚАЛЛАНГАН ГЎЗАЛЛИК

Самарқанд — кўҳна дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. Бу шаҳардаги қадимий ва улуғвор архитектура ёдгорликлари минглаб турист ва сайёҳларнинг эътиборини ўзига тортади. Иттифоқимиздан ва қатор чет эллардан келгувчи бу сайёҳлар Шоҳизинда ансамбли, Регистон майдони, Шердор мадрасаси, Амур Темир мақбараси, Бибихоним мадрасаси ёдгорликларини томоша қилишади ва XV-XVII асрга оид архитектура намуналари билан яқиндан танишадилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунлариданоқ Самарқанддаги бу архитектура ёдгорликларини сақлашга жуда катта эътибор берилди. Бу ёдгорликлар илмий асосда қайта реставрация қилинди. Айрим бузилган ўринлари қайта тикланди. Фақат Самарқанддаги ёдгорликларгина эмас, балки Бухоро. Хива. Шаҳрисабз, Тошкентдаги қадимий обидалар ҳам шундай сақланди ва реставрация қилинди.

Юқоридаги суратда Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати, реставратор Тошмуқим Қурбонов (ўртада) шогирдлари Баҳром Мардонов ва Рустам Нормуродовлар билан ҳамкорликда рангдор плита тайёрламоқда.

Пастдаги суратда Тиллакори мадрасасининг реставрациядан кейинги қиёфасини кўриб турибсиз.

ТАСС фотохроникаси.



«Мелодия» муҳри билан

Ҳурматли редакция, биз қўшиқ мухлислари грампластинкалар сотиладиган магазинларда тожик санъаткорларининг ижросидаги қўшиқлар ёзилган пластинкалар топа олмагач, шу мактубни ёзишни лозим топдик.

Тошкент грампластинка заводидан чиқарилаётган пластинкалар орасида шундай пластинкалар ҳам чиқариладими? Умуман, шу завод ҳақида маълумот берсангизлар.

Қўшиқ мухлислари:
Н. САЙДАҲМЕДОВ, С. УБАЙДУЛЛАЕВ ва бошқалар.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

Шаҳримиздаги М. Т. Тошмуҳамедов номли СССР Маданият министрлигига қарашли Бутуниттифоқ «Мелодия» грампластинка фирмаси маҳсулотлари — куйловчи «ликопча»ларни Иттифоқимизнинг турли бурчакларида кўриш мумкин.

Завод меҳнаткашлари йил сайин кетма-кет ғалабаларни қўлга киритиб келишмоқда. Бултур 1, 2 ва 4-квартал планларини ошириб бажарганлиги учун завод СССР Маданият министрлиги ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил Байроғини олишга муваффақ бўлди ва номи Шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

«Мелодия» фирмаси грампластинкалар ёзувчи улкан заводлар сирасига киради. У Москва, Ленинград, Рига грампластинка фирмаларидан кейин, Иттифоқ миқёсида тўртинчи йирик завод саналади. Табиийки, фирма қардош республика санъат мухлисларининг ҳам ўз маҳсулотидан баҳраманд этиши керак. Шу боисдан фирма қатор тилларда пластинкалар ишлаб чиқаради. Чунончи, рус, украин, озарбайжон, қозоқ, уйғур, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа халқ санъаткорлари ижросидаги пластинкалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари заводда чет эл эстрадаси юлдузлари ижросида куйланган немис, инглиз, француз ва бошқа тиллардаги куй ва қўшиқлар ёзилган пластинкалар ҳам ишлаб чиқарилади.

Маълумки, тожик санъаткорлари орасида ўзбек санъат мухлисларининг эътиборини қозонган хонандалар ҳам анчагина. Шу боисдан сўнгги йилларда Шоиста Муллажонова, Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Хадича Алимардонова каби таниқли тожик санъаткорлари ижросидаги куй ва қўшиқлар ёзилган қатор пластинкалар санъат шинавандаларига ҳадя этилди.

— Шуни айтиб ўтиш кераккн,—деди газетхонлар хатини шарҳлаб завод маданий-маиший моллар бўлими бошқарувчиси Г. Богдасаров,— ҳозирги пайтда эстрада ансамбллари ижросидаги куй ва қўшиқларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Шуларни эътиборга олиб, республикамиз «Ялла» вокал-чолғу ансамбли ижросидаги эстрада куй ва қўшиқлари ёзилган пластинкалар яқинда санъат мухлисларига етказилди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

УЙ БЕКАСИНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

КЎП КИР ЮВИШ УЙ БЕКАЛАРИНИНГ КЎП ВАҚТИНИ ОЛАДИ, АНЧАГИНА МЕҲНАТ ВА КУЧ-ҚУВВАТ САРФ ЭТИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. КИР ЮВИШДА КАМ КУЧ САРФЛАБ, ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ МУМКИН?

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ!

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЕТГАН СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИДАН ЎРИНЛИ ФОЙДАЛАНСАНГИЗ, МЕҲНАТИНГИЗНИ ОСОН ҚИЛАДИ.

Суюқ ва пастасимон кир ювиш воситалари ўзининг юксак таъсирчанлик сифати билан ажралиб туради. Бу препаратлар такомиллашган. Улар ип газлама, жун ва синтетикадан тикилган буюмларни тоза ювади. Ўзининг кучли кир ювиш фазилати билан аёлларимизга манзур бўлади.

Ана шу такомиллашган пасталарнинг қоришмаларида ювилган жунли ва синтетик буюмлар ўз рангининг жозибасини узоқ вақт сақлаб қолади, ички кийимларни эса қайнатиш, ёки синкалашга ўрин қолмайди.

Кир ювиш препаратлари қўлнинг терисини буриштирмайди, уларнинг ҳиди ёқимлидир. Идишларга яхши жойланган. Бундан ташқари қаттиқ, шунингдек, юмшоқ сувда ҳар қандай температурада осонгина кўпириб кетаверади.

Ип-газламали ва канопли ички кийимларни ювиш учун «ПАЛЬМИРА» пастасини сотиб олишингизни маслаҳат берамиз. «ПАЛЬМИРА» пастасининг қоришмасида ювилган ички кийимлар ярақлаб туради, ўзининг янгилигини сақлайди.

Нафис шойи, жун, синтетикали буюмларни ювишда «КАШТАН», «ЛАДА», суюқ кир ювиш воситаларидан фойдаланганингиз маъқул. Тўр тўқимали дарпардаларни ювишда «КАШТАН»дан фойдаланинг.

«ЛАДА» препарати ўзининг махсус оқартириш моддаси туфайли оқ кийимларнинг рангини пахтадек оппоқ қилади, рангли газламаларга эса жозиба бахш этади. Агарда сиз «ЛАНДИШ» кир ювиш пастасини сотиб олсангиз, унинг қоришмасида ҳар қандай газламадан тикилган буюмларни осон ва тоза ювaоласиз.

«МЕЧТА» пастаси эса канопли ва ип-газламали ички кийимларни ювишда ҳамда оқартиришда жуда қулайдир.

ЯҚИН КУНЛАРДА САВДОДА ОЛМАЛИҚ ХИМИКЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЯНГИЛИГИ — «РОСЬ—71» МАРКАЛИ ЯНГИ КИР ЮВИШ ВОСИТАСИ ПАЙДО БЎЛАДИ.

Бу концентрланган суюқ кир ювиш воситаси нафис жунли, синтетикали буюмларни ювиш учун мўлжалланган. Бу паста ишлатишда жуда тежамкор бўлиб, буюмни янгидек қилади, уни ялтиратади, ювилгандан кейин кийимлар киришиб қолмайди.

ЭНДИ УЙ БЕКАЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА БИР НЕЧА ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАРИМИЗНИ ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ!

Агарда сувнинг температураси қирқ даражада иссиқдан ошмаган бўлса, кир яхши ювилади.

Майин газламалар қайнаб кетган сувда ювишга ва сиқишга бардош беролмайди, бунинг учун бундай буюмларни ювишда сувнинг ҳарорати — 30 — 35 даража иссиқ бўлганлиги ва терморегуляторли дазмол билан дазмоллангани маъқул.

Кийимларни уч-тўрт марта роса ювганингиздан кейин сувнинг ранги ҳам тиниқ бўлиб боради. Бу пайтда сувнинг ҳарорати секин-аста пасайиб бориши керак. Рангли буюмларни чайганингизда бир пақир сувга уч — беш ош қошиғида сирка қўшиш маъқул. Сирка кийимни ялтиратади, унинг рангини очади.

Крахмалланган кийимлар кўзга чиройли ташланишини уй бекалари яхши билишади. Крахмалланган қоришма қуйидаги тартибда тайёрланади. Бунинг учун ярим стакан крахмални уч стакан совуқ сувга солиб аралаштирасиз. Қоришмани уч литрли қайноқ сувга секин-аста қуюб аралаштирасиз, бундай сувда ювилган кийим жуда ҳам тоза бўлади.

КРАХМАЛЛАНГАН КИЙИМЛАРНИ БИР ОЗ НАМЛИГИДА ДАЗМОЛЛАШ МУМКИН.

СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

Улар кир ювиш жараёнини енгиллаштиради. Булар оғирингизни енгил қилади.

СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИНИ БАРЧА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИДА ВА УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ БЎЛИМЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«УЗТОПТГАЛАНТЕРЕЯ» РЕСПУБЛИКА
УЛГУРЖИ БАЗАСИ.

ТРИКОТАЖ

БАРЧА ЁШДАГИ КИШИЛАР, ЙИЛНИНГ ҲАММА ВАҚТИ, ҲАЁТНИНГ БАРЧА ВОҚЕАЛАРИ УЧУН МОС КЕЛАДИГАН КИЙИМДИР

Трикотаж инсон ўзининг моҳир қўли билан ижод этган қадимий кийимлардан биридир. У Италия ва Испания орқали Европага ўтиб, кўпгина мамлакатларда, жумладан Россияда ҳам жуда тез тарқалиб кетди.

Трикотаж ҳозирги пайтда синтетик ва табиий толаларнинг бирикмасидир, майин ипакларнинг ўзига хос нафислиги, гуллари ва геометрик нақшларининг бир-бири билан ҳамоҳанг бўлиб кетганлиги ҳар бир кишининг диққатини тезда жалб эта олади.

Трикотаж ўзининг хушбичимлиги, чиройлилиги, енгиллиги, чидамлилиги, қулайлиги билан ажралиб туради.

Шунинг учун ҳам бизнинг гардеробимиз ҳар йили трикотаж буюмлари — кўйлаклар, юбкалар, жакетлар, свитерлар, шимлар, пуловерлар, жемперлар билан тўкис бўлиб боряпти. Трикотаж либосларини кийган киши жиддий ва тўла-тўкис ясанган бўлиб кўзга ташланади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

Трикотаж буюмларининг ранг-баранг намуналарини Сизнинг диққатингизга ҳавола қилади.

Белоруссия, Рига ва чет эл корхоналарида ишлаб чиқарилган хотин-қизларнинг шўхчанг, ёрқин гулли, чиройли фурнитурали жакетлари савдога қўйилган. Уларнинг размерлари 48 дан 54 гача.

Эркакларнинг жемперлари, свитерлари, узун ва калта енгли қилиб ишланган;

Тошкент «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган эркакларнинг калта енгли кўйлаклари;

мамлакатимиз ва чет эл корхоналарида ишлаб чиқарилган хотин-қизларнинг синтетик блузкалари;

Рига ва чет эл корхоналарида тайёрланган хотин-қизларнинг юбкалари:

Тошкент ва Минск ишлаб чиқариш бирлашмаларида тайёрланган болаларнинг кўйлакчалари ва костюмчалари, уларнинг размерлари 28 дан 34 гача;

табиий шойидан ва ип-газламали матолардан тўқилган хотин-қизларнинг купальниклари, майкалар, эркакларнинг оқ футболкалари.

«ТАШПРОМТОРГ» магазинларига марҳамат қилинг!

«ТАШПРОМТОРГ».

ЯНГИ «УНИВЕРСАМ»

ПОЙТАХТНИНГ БОШ УНИВЕРСАЛЬ МАГАЗИНИ ҚОШИДА ЯНГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНИ

— «УНИВЕРСАМ» ОЧИЛДИ.

БУ ШАҲАРДАГИ ЭНГ ЙИРИК УЧТА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИДАН БИРИДИР.

Унинг савдо майдони 600 квадрат метрдан иборат.

Магазинда буюртмалар столи, кафетерий бор. Барча нозунеъматлар— колбасалар, унлар, сарёғлар, донлар, балиқлар замонавий савдо ускуналарининг янгилиги бўлган электрон тарозлар билан жиҳозланган қадоқлаш цехида тортилади ва халтачаларга солинади. Электрон тарозлар ноз-неъматларни ҳатто бир граммгача аниқлик билан ўлчайди, айни пайтда тортилган молнинг баҳосини кўрсатади. Бу цехнинг ишлаб чиқариш қуввати соатига 75 килограмм ноз-неъматни қадоқлашдан иборат.

Магазин савдонинг энг илғор методи— ўз-ўзига хизмат қилиш усули бўйича ишлайди. Молларни кўзга кўринарли жойларга териб қўйилганлиги харидорларга яхшигина қулайлик туғдиради, еттита электрон кассали аппаратларда жуда қисқа дақиқаларда ҳисоб-китоблар қилинади.

Магазиннинг ички қиёфаси безалиши диққатга сазовордир. Савдо зали ва кафетерийнинг деворлари ёғочли паннолар, мис ўймакорлиги, жозибали мозаика билан безакланган.

Янги «УНИВЕРСАМ» дам олиш кунисиз ҳар куни соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди. Соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус.

Бу янги «УНИВЕРСАМ» Охунбобоев майдонидаги Бош универсаль магазини ёнгинасида жойлашган.

ГУМ

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/IV да **Концерт** (билетлар сотилган), 22/IV да **Пиковая дама** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IV да **Ганг дарёсининг қизи**, 22/IV да **Оқшомдан тушгача**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/IV да **Кулги кечаси**, 22/IV да **Шаҳзода ва етим қиз**.

КИНО

21 АПРЕЛДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Иккинчи ҳақиқат**, **Эски милтиқ** (катта зал, кечқурун).

Яшашга кафолат бераман — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (17.30, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (17.00).

Транссибирь экспресси — «ДРУЖБА» (17, 18, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (19.40, 21.20), «МОСКВА» (18.00), «НУКУС» (17, 19, 20.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Мимино — «НУКУС» (17.00), «МОСКВА» (20.00).

Йўқолган экспедиция — «ИСКРА» (19.30).

Тентак Иванушканинг мўъжиза излагани — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Снёвуш ҳақида қисса— «ҲАМЗА номли (17, 20.00).

Етим ака— «МИР» (кечқурун).

Табор осмонга интилади — С. РАҲИМОВ номли (тоқ соатларда).

22 АПРЕЛДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Иккинчи ҳақиқат**, **Эски милтиқ** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Яшашга кафолат бераман — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (12.45, 17.00).

Транссибирь экспресси — «ДРУЖБА» (11, 13, 14, 15, 17, 18, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19.40, 21.20), «МОСКВА» (10, 14, 18.00), «НУКУС» (11, 15, 17, 19, 20.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Мимино — «НУКУС» (13, 17.00), «МОСКВА» (12, 16, 20.00).

Йўқолган экспедиция — «ИСКРА» (19.30).

Тентак Иванушканинг мўъжиза излагани — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Снёвуш ҳақида қисса — ҲАМЗА номли (11, 14, 17, 20.00).

Етим ана — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Табор осмонга интилади— С. РАҲИМОВ номли (тоқ соатларда).

Запас аэродром — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (жуфт соатларда).

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22 АПРЕЛЬ СОАТ 15.00 ДА,
23 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ХОНАНДАЛАР:

Шерали ЖЎРАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Фотима БАРАТОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА;

РАҚҚОСАЛАР:
БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ
КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ
КАРИМА УЗОҚОВА

Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Раҳима РИХСИЕВА;

Оригинал жанрда: Саттор ИСЛОМОВ.

Интермедия ва юморда— Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ,

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари— Ўзбекистон ССР халқ артисти Айюб ҚОДИРОВ.

Музика раҳбари— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани— Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.

Филармониянинг бадиий раҳбари— Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 1979 ўқув йилига
Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчиклар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи, монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати— 1-2-3 йил.

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х3 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

ГРАЖДАНЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР,
МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ,
КАНЦЕЛЯРИЯЛАРНИНГ МУДИРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Почта жўнатмалари оқими йилдан йилга тобора ортиб бормоқда, фақат 1977 йилнинг ўзида Тошкент шаҳри аҳолиси, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар номига 6 миллиондан зиёд хат, 400 минг қимматли хат ва бандероллар, 2,5 миллионга яқин посилка ва пул переводлари олинди.

Байрам арафаси кунлари ёзув корреспонденциялари, қимматли хатлар ва бандероллар оқими бир ярим баравар, посилкалар 3,5 баравар, пул переводлари 1,2 баравар ортади, чет шаҳарларга ҳар кеча-кундуздаги почта жўнатмалари оқими эса, 248 минг бирликни ташкил этади.

Почтага келиб тушаётган жами корреспонденцияларнинг 80 проценти адресатларга ўз вақтида етказиб берилмоқда, аммо айрим гражданлар ва ташкилотлар, корхоналар, муассасалар хат ёзиб тегувчи адресига олти рақамли почта индекси, алоқа бўлими номери, тўлиқ адрес (кўча, уй номери)ни ёзишни унутиб қолдирадилар ёки муассасалар, ташкилотлар, корхоналар номини қисқартирилган ҳолда кўрсатадилар. Ана шунинг натижасида олинаётган хатларнинг 18—20 процентга яқини алоқа бўлимлари орасида у ёқдан-бу ёққа ўтиб юради ва адресатларга бир неча кун кечикиб етказиб берилади.

ЭСДА ТУТИНГ!

Почта жўнатмаларида индекснинг бўлмаслиги уларни саралаш ва адресатларга етказиб беришни секинлаштиради.

Барча почта жўнатмаларида — ҳам хат олувчи адресида ҳам жўнатувчи адресида тегишли индексларни ёзинг.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

21 АПРЕЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. Челябинскдан олиб кўрсатилади. 19.25 «Қизил Байроққа содиқмиз». Ҳужжатли фильм. 19.35 Т. Хренников. Скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган 2-концерт. 19.55 В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Вақт» информацион программаси. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденисининг программаси

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Чипор йўлбарслар». Болалар учун мультфильм. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз муносиб ўринбосарларингмиз, комсомол». 18.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.30 «Эртага— ленинча коммунистик шанбалик». 18.50 «Тўғон». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 19.00 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси хор капелласининг концерти. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 Москва. В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Вақт» информацион программаси.

22 АПРЕЛЬ — ШАНБА

В. И. ЛЕНИН ХОТИРАСИ КУНИ

Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 «Ватанга қасамёд». Кантата. 10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун». «Ульяновлар оиласи». 1-кўрсатув. 10.45 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.15 «Совет тасвирий санъати». «Ленинномa». 11.40 Воронеж Давлат рус халқ хорининг концерти. 12.25 «Поэзия», «Ленин номи мангу яшайди». 12.50 Л. Бетховен. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун ёзилган 9-соната («Крейцерова»). 13.20 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.05 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Аёллар. Челябинскдан олиб кўрсатилади. 14.50 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 15.20 Болалар учун. «Қизил асалларилар». Бадиий фильм. 16.30 «Ҳайвонот оламида».

17.30 «9-студия». Кўрсатувни снёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Мультфильм. 19.00 «Шанбалик кундалиги». 19.20 «Комсомол ёшлигим». Увертюра-фантазия. 19.30 «Спортлото» тиражи. 19.45 «Ленин истиқболига». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси 22.00 «Оқ йўл». 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденисининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Бугун — ленинча коммунистик шанбалик». Репортаж. 10.30 «СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари». 11.10 «Кишилар ва тақдирлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.30 «Нафосат оламида». 12.00 «Ульяновлар оиласи». Бадиий фильм. 13.30 «Кинокўзгудаги ҳаёт». 14.20 «Ленинча коммунистик шанбалик кундалиги».

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз Ильич набираларимиз». 18.10 «Мактуб». Болалар учун телефильм. 18.25 «Давримиз байроғи». 18.45 Ленин, партия, Ватан ҳақида қўшиқлар. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. Ленинча коммунистик шанбалик ҳақида репортаж (рус.). 19.30 «Мангу барҳаёт». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. Ленинча коммунистик шанбалик ҳақида репортаж. 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Телевидение экранида биринчи марта». «Ишонч». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Ғунчахои санъат». Болалар учун концерт. 18.50 «Новости» информацион программаси. 19.10 «Кинокамера билан саёҳат». 20.05 «Доҳий ва устоз». 20.35 «Ахбор» информацион программаси. 20.55 Ленин, партия, Ватан ҳақида қўшиқлар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Янгиликларнинг махсус сони. 22.25 «Биринчи Бастилия». Бадиий фильм. (рус.). 23.40 Душанба кўрсатувларининг охири.

Чилонзор район халқ маорифи бўлими, район касаба союз комитети ва 56-мактаб коллективи, шу мактаб ўқитувчиси **Мурод Максудович ТОШПУЛАТОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекгидрология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма бош директорининг ўринбосари **Раҳмон Сайфуллаевич САЙФУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 33-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—00314. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр—Д—1293.